

The background of the cover is a textured, light blue-green color. At the top center, there is a bright yellow sun. A large, stylized tree is the central focus, with its trunk and lower branches rendered in a golden-yellow color, and its upper branches and leaves in a vibrant green. The tree's canopy is shaped like an open hand. Several small, blue birds are scattered across the sky, some in flight. The overall style is artistic and symbolic.

ШАҲЛО ҚУРБОНОВА


ИЛИНЖ  
ДАРАХТИ

ШАҲЛО ҚУРБОНОВА



**ИЛИНЖ ДАРАХТИ**

*Шеърлар*



ТОШКЕНТ  
2014

Ушбу тўплам истеъдодли рассом, моҳир педагог Шаҳло Қурбонованинг шеърӣ машқларини ўз ичига олган бўлиб, уларда асосан меҳр, муҳаббат, оқибат, эзгулик ва фидойилик каби чин инсоний туйғулар улуғланади. Шунингдек китобчадан рассомнинг тасвирий асарларидан намуналар ҳам ўрин олган.

## МАДАД

Яшин урган дарахт,  
Ярадор бўри,  
Қояга урилиб,  
Йиқилган бургут.  
Танида бор бўлса  
Ҳаётнинг нури,  
Танграм, сен уларни  
Айлама унут.

Ёвузга куч бериб,  
Золимни кўллаш  
Эҳтимол Иблиснинг  
Азалий касби.  
Ночору ожизга  
Мададин йўллаш  
Яратган Эгамга  
Хос эрур асли.

Бутун бўлолмадим,  
Жоним ҳам ярим,  
Лекин тўлиқ сездим  
Тириклик сасин.  
Беозор дўстларим –  
Чумолиларим,  
Гурс-гурс қадам ташланг,  
Тангри кўлласин.

**АБДУЛЛА ОРИПОВ,**

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

23.08.2014

\* \* \*

Умр йўлимга мавҳум нақшлар чизилди,  
Бошим узра уқубатлар қалдирғочдай тизилди.  
Қўлларимни ҳар тонг кўкка узатсам,  
Илинж дарахтидан битта япроқ узилди!

**Алишер Азимов**

8.08.2014 й.

## **ТИЛАК**

*қизим Шахлога*

Нури дийдам,  
она қизим, жигаргўшам.  
Кетмоқдасан фарзанд бўлиб ўзгаларга.  
Бу ёғига кутар сени янги ҳаёт, янги имтиҳон  
Буни такдир дейишади,  
Буни қисмат дейишади.  
Қочиб қутулиб бўлмас,  
Пешонага битилганидан.  
Турмуш йўли ҳеч бир замон текис бўлмаган.  
Сабр-бардош ва қаноат,  
Қўл келади мушкул дамларда.  
Ота-онанг истаги шу,  
Келганингда эшигимдан кулиб кириб,  
Кетганингда кулиб кетсанг бас.  
Шунинг ўзи катта бахту,  
Шунинг ўзи беқиёс давлат!

**Бобониёз ҚУРБОН**

## БАҲОР ФАСЛИ, ИШҚ ФАСЛИ

Ёмғирнинг ҳар томчиси,  
Севгининг бир элчиси,  
Баҳорнинг шаббодаси,  
Бахтнинг моҳир куйчиси.

\* \* \*

Баҳор сувин симириб, ёмғир куйин чаламан,  
Шамол билан қувлашиб, ёзни тутиб оламан,  
Қўзда маҳзун барглари кўксим билан тўсаман,  
Совуқ қишнинг қаҳрини меҳрим билан кесаман.

2004 й.

## ЁЛГИЗ СЕН УЧУН

Сен учун дарахтзорда қуш бўлиб учдим,  
Сен учун майсазорда гулларни қучдим,  
Сен учун олмазорда олмадай пишдим,  
Сен учун мевазордан қизариб тушдим.

Сен учун самода энг учқур қушман,  
Сен учун билиб ол, энг ширин тушман,  
Сен учун саҳрода чумоли бўлдим,  
Сен учун минг яшаб, минг бора ўлдим.

Сен учун оламга нурдай таралдим,  
Сен учун момо Ҳаводан яралдим,  
Сен учун мисоли танбур созландим,  
Сен учун хатарлар билан юзландим.

Сен учун энг юксак бино бўлдим мен,  
Сен учун покиза зиё бўлдим мен,  
Сен учун шиддатли дарё бўлдим мен,  
Сен учун ҳаётга ошно бўлдим мен.

2002 й.

### **АЙТАЙМИ, АЙТМАЙ**

Айтай десам, тилим куйди, кул бўлди,  
Айтмай десам, юрак оловгул бўлди,  
Айтган эдим, кенг дунёлар тор бўлди,  
Қон юрагим, чин севгига зор бўлди.

2000 й.

### **МЕҲР, СЕҲР, ҒАМ...**

Кўз ёшларим юлдуз мисол нурлар таратар,  
Йиғламасам, юрагимда ғамларим ортар.  
Самодаги юлдузлар гар сўниб қолсалар,  
Меҳр истаб, сеҳр қумсаб, кўзинг толсалар,  
Қалбимдаги меҳр албат йўлинг ёритар.

2001 й.

### **ҒАМГИН ҚАЛАМИМ**

Хатоларим кўпдир, келар аламим,  
Ғуссаларни ёзар ғамгин қаламим,  
Ювай дейман, етармикан кўз ёшим,  
Яна не савдолар кўрар бу бошим.

2001 й.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/2467> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/2467> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно  
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/2467>